# XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 44 857 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 29 597 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 66,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (59,3 %), савдо (11,6 %), саноат (8,1 %) ва қурилиш (4,7 %) соҳаларига тўғри келади.

**Жиззах вилоятидаги корхоналар ва ташкилотлар сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2021 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **44 857** | **100,0** | **29 597** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 26 578 | 59,3 | 12 144 | 41,0 |
| саноат | 3 654 | 8,1 | 3 473 | 11,7 |
| қурилиш | 2 096 | 4,7 | 2 027 | 6,8 |
| савдо | 5 191 | 11,6 | 4 914 | 16,6 |
| ташиш ва сақлаш | 660 | 1,5 | 631 | 2,1 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 353 | 3,0 | 1 269 | 4,3 |
| ахборот ва алоқа | 233 | 0,5 | 215 | 0,7 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 282 | 0,6 | 277 | 0,9 |
| бошқа фаолият турлари | 4 810 | 10,7 | 4 647 | 15,9 |

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 22 027 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 20 993 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,3 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (23,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (17,0 %), саноат (16,6 %) ва қурилиш (9,5 %) соҳаларига тўғри келади.

**Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2021 йил 1 январь ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *Рўйхатга олинганлар* | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **22 027** | **100,0** | **20 993** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3 748 | 17,0 | 3 540 | 16,9 |
| саноат | 3 654 | 16,6 | 3 473 | 16,5 |
| қурилиш | 2 096 | 9,5 | 2 027 | 9,7 |
| савдо | 5 191 | 23,6 | 4 914 | 23,4 |
| ташиш ва сақлаш | 660 | 3,0 | 631 | 3,0 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 353 | 6,1 | 1 269 | 6,0 |
| ахборот ва алоқа | 233 | 1,1 | 215 | 1,0 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 282 | 1,3 | 277 | 1,3 |
| бошқа фаолият турлари | 4 810 | 21,8 | 4 647 | 22,2 |

**Жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши**
*(2021 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)*

| | *2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинганлар сони* | *шунингдек, 2020 йил январь-декабрь ойлари давомида:* | |
|---|---|---|---|
| | | *янги ташкил этилганлар* | *тугатилганлар* |
| **Жиззах вилояти** | **44 857** | **5 484** | **1 015** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 6 490 | 955 | 90 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 3 113 | 389 | 85 |
| Бахмал | 3 737 | 468 | 62 |
| Ғаллаорол | 5 376 | 504 | 24 |
| Шароф Рашидов | 6 343 | 621 | 262 |
| Дўстлик | 1 978 | 314 | 33 |
| Зомин | 4 249 | 396 | 215 |
| Зарбдор | 3 404 | 499 | 38 |
| Зафаробод | 2 205 | 249 | 18 |
| Мирзачўл | 2 181 | 269 | 69 |
| Пахтакор | 2 074 | 285 | 44 |
| Фориш | 2 697 | 373 | 52 |
| Янгиобод | 1 010 | 162 | 23 |

2020 йилнинг январь – декабрь ойларида жами 5 484 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 5 378 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 955 таси, ёки 17,4 %) ҳамда Шароф Рашидов (621 таси, ёки 11,3 %) ва Зарбдор (499 таси, ёки 9,1 %) туманларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни ҳудудлар бўйича тақсимланиши**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)*

| | *2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинганлар* | *шунингдек, 2020 йил январь-декабрь ойлари давомида:* | |
|---|---|---|---|
| | | *янги ташкил топганлар* | *тугатилганлар* |
| **Жиззах вилояти** | **22 027** | **4 384** | **403** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 6 391 | 955 | 90 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 750 | 214 | 26 |
| Бахмал | 1 330 | 343 | 57 |
| Ғаллаорол | 1 815 | 444 | 22 |
| Шароф Рашидов | 3 406 | 477 | 44 |
| Дўстлик | 949 | 246 | 12 |
| Зомин | 1 729 | 291 | 39 |
| Зарбдор | 1 076 | 289 | 20 |
| Зафаробод | 698 | 197 | 14 |
| Мирзачўл | 836 | 201 | 17 |
| Пахтакор | 959 | 229 | 5 |
| Фориш | 1 570 | 367 | 52 |
| Янгиобод | 518 | 131 | 5 |

2020 йилнинг январь – декабрь ойларида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 4 386 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 4 278 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 955 таси, ёки 21,8 %), Шароф Рашидов (477 таси, ёки 10,9 %) ва Ғаллаорол (444 таси, ёки 10,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2021 йил 1 январь ҳолатига – 18 737 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 970 та, оилавий корхоналар – 1 442 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 11 860 та, акционерлик жамиятлари – 20 тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича сони**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)*




2020 йилнинг январь – декабрь ойларида (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 4 386 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 4 278 та). Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 955 таси, ёки 21,8 %), Шароф Рашидов (477 таси, ёки 10,9 %) ва Ғаллаорол (444 таси, ёки 10,1 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,0 фоизи савдо, 27,0 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ва 18,7 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 403 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

**Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар.** 2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 202 тани ташкил этди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 202 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 64 та, Туркия Республикаси 62 та, Россия Федерацияси 44 та, Корея Республикаси 8 та, Америка Қўшма Штатлари 6 та ва бошқа давлатлар капитали иштирокида 18 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

**Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимидаги сони,** *бирликда*




Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 129 таси қўшма корхоналар, 73 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

2020 йил январь-декабрь ойлари ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони – 26 тани ташкил этди. Бунда, Туркия Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 10 та, Россия Федерацияси – 8 та, Хитой Халқ Республикаси – 6 та ва Корея Республикаси – 2 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар**
*(2021 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)*

| | *2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётганлар сони* | *шундан* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхоналар* | *хорижий корхоналар* |
| **Жиззах вилояти** | **202** | **129** | **73** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 68 | 47 | 21 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 7 | 5 | 2 |
| Бахмал | 8 | 5 | 3 |
| Ғаллаорол | 20 | 13 | 7 |
| Шароф Рашидов | 18 | 10 | 8 |
| Дўстлик | 4 | 3 | 1 |
| Зомин | 16 | 8 | 8 |
| Зарбдор | 3 | 2 | 1 |
| Зафаробод | 8 | 2 | 6 |
| Мирзачўл | 4 | 1 | 3 |
| Пахтакор | 9 | 8 | 1 |
| Фориш | 26 | 20 | 6 |
| Янгиобод | 11 | 5 | 6 |

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
*(2021 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Корхоналар сони, бирлик* | *жамига нисбатан,% да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **202** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 34 | 16,8 |
| Саноат | 111 | 55,0 |
| Қурилиш | 8 | 4,0 |
| Савдо | 29 | 14,4 |
| Ташиш ва сақлаш | 4 | 2,0 |
| Яшаш ва овқатланиш | 4 | 2,0 |
| Ахборот ва алоқа | 3 | 1,5 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 | 0,5 |
| Бошқа фаолият турлари | 8 | 3,8 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 202 та корхонанинг 111 таси (55,0 %) саноат, 34 таси (16,8 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 29 таси (14,4 %) савдо, 8 таси (4,0 %) қурилиш, 4 таси (2,0 %) яшаш ва овқатланиш, 4 таси (2,0 %) ташиш ва сақлаш, 3 таси (1,5 %) ахборот ва алоқа, 1 таси (0,5 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 8 таси (3,8 %) бошқа соҳасига тўғри келади.

## Кичик корхона ва микрофирмалар

2021 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 17 725 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2020 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 26,5 фоизга ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 5 381 таси (30,4 %) Жиззах шаҳрига, 2 928 таси (16,6 %) Шароф Рашидов, 1 470 таси (8,3 %) Ғаллаорол, 1 343 таси (7,6 %) Фориш ва 1 340 таси (7,6 %) Зомин туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти,** *бирликда*




Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 17 725 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4 900 таси (27,6 %) савдо, 3 497 таси (19,7 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3 443 таси (19,4 %) саноат, 2 022 таси (11,4 %) қурилишда, 1 265 таси (7,1 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 624 таси (3,5 %) ташиш ва сақлаш, 199 таси (1,1 %) ахборот ва алоқа соҳаси, 193 таси (1,1 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1 582 таси (9,1 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг иқтисодий фаолияти турлари бўйича тақсимоти,** *% да*

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 4 278 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 24,7 фоизни ташкил қилди. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах шаҳрида (932 та), Шароф Рашидов (456 та), Ғаллаорол (438 та) ва Фориш (360 та) туманларида ташкил этилган. Энг кам Янгиобод (128 та), Зафаробод (194 та), Мирзачўл (195 та) ҳамда Арнасой (209 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони таққосланганида энг кўпи савдо (1 445 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (1 178 та), саноат (821 та), қурилиш (269 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (184 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўсатиш (34 та), ахборот ва алоқа (46 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (64 та) соҳалари ҳиссасига тўғри келган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 442 тани ташкил этди, улардан 1 357 таси ёки 94,1 фоизи фаолият юритмоқда.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони бўйича маълумот**
*(бирликда)*




Иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 574 таси ёки 42,3 фоизи саноат, 249 таси ёки 18,3 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 242 таси ёки 17,8 фоизи савдо, 205 таси ёки 15,1 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари, 7 таси ёки 0,5 фоизи қурилиш, 4 таси ёки 0,3 фоизи ахборот ва алоқа, 3 таси ёки 0,2 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1 таси ёки 0,1 фоизи ташиш ва сақлаш ҳамда 72 таси ёки 5,4 фоизи бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

**Хусусий корхоналар сони**

*(1 январь ҳолатига кўра, бирликда)*




Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган хусусий корхоналар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 4 970 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 431 тага ёки 109,5 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 4 605 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 415 тага ёки 109,9 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 606 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 73 тага ёки 10,8 % га камайлигини кўриш мумкин.

**Масъулияти чекланган жамиятлар сони**

*(1 январь ҳолатига кўра, бирликда)*

Ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 11 860 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 2 733 тага ёки 129,9 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 11 411 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 2 614 тага ёки 129,7 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2 892 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 423 тага ёки 117,1 % га ошганлигини кўриш мумкин.




2021 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 3 473 та фаолият юритаётган саноат корхоналари бўлиб, улардан 821 таси янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналари ҳисобланади.